# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 21 октябрь, № 203 (6386) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ ВА УСКУНАЛАР

## мамлакатимиз саноат тармоқлари ривожига хизмат қилади

САНОАТ ҲАФТАЛИГИ

*Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуида “Марказий Осиё саноат ҳафталиги — Central Asian Industrial Week — 2015” халқаро лойиҳаси ўз ишини бошлади. Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги энг муҳим тадбирлар сирасига кирадиган ушбу йирик саноат форуми доирасида бирйўла еттита халқаро кўргазма очилди. “Тоғ-кон иши — Mining World Uzbekistan — 2015”, “Машинасозлик, металлургия ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш — Machinery Central Asia — 2015”, “Саноат қурилиши ва махсус техника — UzComak — 2015”, “Қўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши ҳимоя — CAIPS — 2015”, “Кимё саноати — Chemie Uzbekistan — 2015”, “Пластмасса саноати — Plastex Uzbekistan — 2015”, “Полиграфия ва қадоқлаш — O‘ZBEKinPRINT & O‘ZuPACK — 2015” халқаро кўргазмалари шулар жумласидандир.*



Мазкур саноат анжуманларининг бир пайтда ўтказилиши, аввало, энг замонавий саноат ускуналари, технологиялар ва технологик ишланмаларни кенг намойиш қилиш, маҳаллий ҳамда хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро тажриба алмашиши, истиқболдаги йўналишларни белгилаб олиши учун қулай бизнес муҳитини яратиб беради. Шу боис халқаро лойиҳанинг нуфузи йил сайин ошиб, унга бўлган қизиқиш тобора кучаймоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Ўзбекистонда иқтисодиётни таркибий ва сифат жиҳатдан ўзгартириш, айниқса, саноатни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани, унинг тармоқларига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми ортиб бораётгани туфайли мазкур жабҳада барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётганини алоҳида таъкидладилар. Натижада ички бозор импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирилиши баробарида, юртимизнинг экспорт салоҳияти ҳам тобора юксалаяпти.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори юқори технологияларга асосланган саноат тармоқларини ташкил этиш, унинг рақобатдошлигини таъминлаш имконини берди. Негаки, ушбу ҳужжат ижроси доирасида саноатни диверсификация қилиш ва модернизациялаш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилаётир. Бу эса ҳозирданоқ ўзининг юксак самараларини бера бошлади. Юртимизда жорий йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,3 фоиз ўсгани бунинг яққол далилидир.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, саноатга замонавий технологиялар ҳамда ускуналарни жалб этмасдан, хорижнинг илғор тажрибасини ўрганмасдан туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди. “Марказий Осиё саноат ҳафталиги — Central Asian Industrial Week” айни шу мақсадга хизмат қилаётгани, турли соҳа мутахассислари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, техника ва материаллар ишлаб чиқарувчилар билан уларни етказиб берувчилар орасида тажриба ва ахборот алмашиш учун қулай мулоқот майдонига айланиб улургани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

*Жорий йилда халқаро кўргазмаларнинг бирлашган экспозицияларида 21 мамлакатнинг 110 дан ортиқ компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Улар орасида Австралия, Австрия, Беларусь Республикаси, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Корея Республикаси, Янги Зеландия, Польша, Сингапур, Чехия, Швейцария, Шотландия каби давлатларнинг дунёга машҳур компаниялари борлиги саноат ҳафталигининг нуфузи тобора ошаётганини кўрсатади, албатта.*

# Ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Франция Республикаси Парламенти Миллий ассамблеясининг “Франция — Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Филипп Менье бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаяпти. Франция парламенти вакиллари Ўзбекистонга, ўз навбатида, юртимиз қонун ижодкорлари Францияга ташриф буюриб, ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

Франция делегацияси аъзолари Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати фаолияти билан яқиндан таништирилди. Меҳмонлар мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатини ҳамда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолашди. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодий барқарорлик ҳукм сураётган, ижтимоий фаровонлик таъминланаётган, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча зарур шарт-шароит яратилаётган мамлакат эканлиги қайд этилди. Айни чоғда юртимиз билан ҳамкорликни кенгайтириш, алоқаларни янада равнақ топтириш, ўзаро манфаатли янги қўшма дастурларни ҳаётга татбиқ этиш истиқболдаги режалардан бири эканлиги айтилди.

Аввал хабар қилганимиздек, мазкур делегация аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам учрашув ўтказган эди. Бўлиб ўтган муҳокамаларда Ўзбекистон ва Франция ҳамкорлиги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда изчил тараққий этаётгани, ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдорлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Албатта, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар, савдо-иқтисодий, техникавий ва маданий ҳамкорлик муносабатлари изчиллик билан ривожланиб бормоқда, — дейди Филипп Менье. — Ташриф доирасида кўп қиррали алоқаларни янада мустаҳкамлаш, турли соҳалар, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни янги босқичда ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Шуни алоҳида қайд этмоқчиманки, ўзаро манфаатли янги қўшма дастурларни амалга ошириш ниятидамиз.

Учрашувларда Ўзбекистон ва Франция парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашувни фаоллаштиришга доир масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

**21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

# Она тилимиз камоли

*Маданият ва маърифатнинг, умуман, башарият тараққиётининг қадимий бешикларидан бўлмиш юртимизда азалдан сўзга ҳурмат, тил синоатларига эҳтиром кўрсатиб келинган. Чунки одам отли муҳтарам тушунчанинг замирида “Тил” деган мислсиз неъмат ётиши, унинг асос устуни тил эканлиги ҳаётий ҳақиқатдир.*

Улуғ аждодларимизнинг тенгсиз закоси билан яратилган ақлий ва бадиий дурдоналар нафақат биз, авлодларнинг, балки бутун дунё аҳлининг маънавий-маърифий такомилига чироқ тутиб келади. Бу дурдоналар қатидаги беназир ақл ёмбиларигина эмас, улардаги ифода инжаликлари ҳам ҳар кимни ҳайратга солади.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан юртимизда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бу борада бениҳоя собитқадамлик билан амалга оширилаётган кўламли ишлар силсиласида аждодлар анъанасига монанд тил билан боғлиқ тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Бугун ана шу тадбирлар боис, айтиш жоизки, жамиятда маънавий-маърифий камолотнинг, мустақил ижодий тафаккур такомилининг тилсиз мавжуд бўлолмаслиги идроки барқарорлашди. Давлатимиз раҳбарининг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, “Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлланиш доираси амалда ниҳоятда кенгайгани, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўплаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда”.

(Давоми 4-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Бухорода вилоят ҳокимлиги ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида “Тил — маънавият кўзгуси” мавзуида анжуман ташкил этилди.*

### Маънавиятимиз кўзгуси

21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирда мустақиллик йилларида она тилимизнинг имкониятлари ва нуфузини янада юксалтириш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди.

— Жаҳоннинг қатор ривожланган давлатлари таълим ва илмий муассасаларида ўзбек тили ўқув марказлари ташкил этилиб, бу тилни ўрганувчилар сони ортаяпти, — дейди анжуман қатнашчиларидан бири, Бухоро давлат университети доценти Тўлқин Асадов. — Муҳими, шу тилда таълим олаётган ёшларимиз ўз билим ва тафаккури, изланишлари билан дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Бу она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрўси тобора ошаётганидан далолат эмасми?!

Анжуман дастури доирасида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда турли миллат ва элатга мансуб ёшлар томонидан шеърлар ўзбек тилида ёддан айтилди. Санъаткорлар ижросида янграган куй-қўшиқлар эса иштирокчиларга хуш кайфият улашди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Савдо кўргазмаси

*Жиззахда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ҳиндистонлик ишбилармон ҳамда тадбиркорларнинг савдо кўргазмаси иш бошлади.*

Биз бундан аввал Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ташкил қилинган ана шундай тадбирлар орқали ўз маҳсулотларимизни намойиш этдик, — дейди кўргазма ташкилотчиларидан бири, Ҳиндистоннинг “Great India Welfare Association” компанияси директори Санжеев Упадхяй. — Бугун эса жиззахликларга 200 дан ортиқ турдаги заргарлик, уй-рўзғор буюмлари, халқ амалий санъати, косметика ва тўқимачилик маҳсулотларимизни тақдим этаётганимиздан мамнунмиз. Ташрифимиз давомида ўзбекистонлик тадбиркорлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ниятидамиз.

Кўргазма 27 октябргача давом этади.

**Тожиддин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Кичик бизнесдан катта даромад

*Наманганда вилоят экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи иқтисодий муносабатлардаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда.*

Жумладан, жорий йилнинг тўққиз ойида ҳудудда 124,3 миллион АҚШ долларилик маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 28,1 фоиз ўсишга эришилди.

Эътиборли жиҳати, чет элга маҳсулот сотишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаоллик кўрсатишаяпти. Улар орасида ўзининг бежирим костюм-шим ва пальтолари билан ном қозонган “Ифтихор кийим саноат” масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам бор. Айни пайтда хорижий давлатларда ушбу корхона маҳсулотларининг бозори чаққон. Буни шу йилнинг январь — сентябрь ойлари мобайнида мазкур МЧЖ томонидан қарийб 900 минг АҚШ долларилик ташқи савдо амалиёти бажарилгани яққол тасдиқлаб турибди.

Бундай муваффақиятга корхонада ишлаб чиқаришда илғор технологияларни жорий этиш, маҳсулотлар турини муттасил янгилаб бориш туфайли эришилаётганини таъкидлаш лозим. Чунончи, бу ерда яқинда амалга оширилган навбатдаги йирик лойиҳа натижасида замонавий дизайндаги курткалар тайёрлаш ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда жамиятда кунига 350 донадан кўпроқ янги турдаги маҳсулот тикиляпти. Фаолият кенгайиши ҳисобига эса жамоа аъзолари сони 160 нафарга етди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Европа компаниялари:

# «Тошкентда бўлиб ўтадиган сармоявий форумда фаол иштирок этиш ва Ўзбекистон бозорига кириш ниятидамиз»

Нидерландиянинг Роттердам шаҳрида жойлашган “Ahoy” кўргазмалар марказида “Solids Rotterdam — 2015” халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир кукунли ва донадор моддаларни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ҳамда сақлашга ихтисослаштирилган сотувчи ва харидорларни бир жойга жамлади.

**ДУНЁ НИГОҲИ**

Ҳар йили 13 мингга яқин мутахассислар иштирокида 1100 дан зиёд бўлмалар намойиш этиладиган ушбу кўргазмада қадоқлаш ускуналари, текширув-тарози техникалари, конвейерлар ва транспорт воситалари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш технологиялари, экспертиза ва текширув-ўлчов хизматлари билан бевосита танишиш мумкин.

Бу йил “Solids Rotterdam”га мазкур соҳадаги ишлаб чиқариш компаниялари раҳбарлари, таъминот бўлими менежерлари, технология тармоғини таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича техник ходимлар, муҳандислар ҳамда илмий тадқиқот институтлари вакиллари ташриф буюришди. Тадбирда меҳмонлар кўргазма ташкилотчилари томонидан тақдим этилган саноатнинг мазкур тармоғидаги бозор тенденциялари бўйича мустақил тадқиқотлар билан яқиндан танишдилар.

Ушбу нуфузли ярмаркада мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси вакиллари ҳам қатнашди. Ўзбекистон делегациясининг кўргазмада иштирок этишдан кўзлаган мақсади тадбир меҳмонларини республикамиз бозори билан таништириш, замонавий технологиялар ёрдамида кукунли ва донадор моддаларни ишлаб чиқариш, элтиб бериш ва сақлаш соҳасига хорижий сармояларни жалб қилишдан иборат бўлди.

Шунингдек, тадбирда Европа компаниялари Тошкентда ўтказиладиган Халқаро сармоявий анжуман ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар.

**“Gericke” компанияси ижрочи директори Бас ДЕРКС** “Жаҳон” ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида мамлакатимизда хорижлик ишбилармонлар учун яратиб берилган шарт-шароитлар, имтиёз ва афзалликларни юқори баҳолади.

— Бизнинг компаниямиз 1984 йилдан буён барча турдаги кукунли маҳсулотларни ўлчаш, аралаштириш, майдалаш, қадоқлаш ва харидорларга етказиб бериш билан шуғулланиб келади, — дейди у. — Мазкур соҳада бой тажрибага эгамиз ва кўплаб мамлакатлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ ВА УСКУНАЛАР

## мамлакатимиз саноат тармоқлари ривожига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистон навқирон давлат бўлса-да, унинг саноат салоҳияти йил сайин юксалиб бораётгани чет эллик инвесторларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди Италиянинг “Saer Elettropompe spa” компанияси вакили Фабио Маркачиоли. — Хусусан, италиялик ишбилармонлар ўз бизнесини юртингиз билан боғлашдан манфаатдордир. Шунинг учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган саноат форумида мунтазам равишда иштирок этиб келишади. Бизнинг саноат тармоқлари учун насослар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган компаниямиз эса мазкур кўргазмада учинчи марта қатнашаяпти. Асосий мақсадимиз — янги ҳамкорлар топиб, савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш.

Таъкидлаш керакки, ҳафталикда мутахассислар эътиборига саноатнинг турли тармоқлари учун сўнгги ишланмалар, замонавий ускуналар, технологиялар ва хизматларнинг охирги авлоди тақдим этилмоқда. “Тоғ-кон иши — Mining World Uzbekistan — 2015”, “Машинасозлик, металлургия ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш — Machinery Central Asia — 2015”, “Саноат қурилиши ва махсус техника — UzComak — 2015”, “Қўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши ҳимоя — CAIPS — 2015” кўргазмалари мавзу жиҳатдан бир-бирини тўлдириб, турдош саноат вакиллари ўртасида узоқ муддатли истиқболли келишувларга эришиш учун қулай амалий муҳитни вужудга келтираётир. Айтайлик, кон-металлургия саноати мутахассислари эътиборига фойдали қазилма бойликларини излаш, қазиб олиш ва бойитиш жараёнида қўл келадиган янги технологик ускуналар, инновацион ғоялар ҳавола этилаётган бўлса, йўлсоз ва бунёдкорлар очиқ майдонларда махсус техникаларнинг янги авлодлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди. Бу ерда қурилиш, йўл, коммунал соҳалар учун турли русумдаги махсус техникалар, ер қазиш, юк кўтариш машиналари ва ускуналари жой олган. Агар республикамизда 2020 йилгача 5815 та йўл-қурилиш техникаси харид қилиниши режалаштираётганини инобатга оладиган бўлсак, кўргазма тизим корхоналаридаги махсус техника паркини янгилаш ва модернизация қилиш учун айни муддао бўлади.





“Кимё саноати — Chemie Uzbekistan — 2015” ҳамда “Пластмасса саноати — Plastex Uzbekistan — 2015” кўргазмалари эса ҳафталикнинг энг истиқболли лойиҳалари ҳисобланади. Нега деганда, унда кимё, пластмасса ва полимерлар саноатининг энг сўнгги ютуқлари, замонавий технологиялари намойиш этилади. Ўзбекистоннинг айни шу жабҳада қўлга киритаётган муваффақиятлари эса чет эллик мутахассисларнинг ҳавасини келтирмоқда.

Чиндан ҳам, кимё саноати — иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири. Истиқлол йилларида ушбу соҳада йирик лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани маҳсулот тайёрлаш ҳажмини муттасил равишда кўпайтириш имконини бераяпти. Мисол учун, бугунги кунда йилига 125 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқарилаётган бўлса, 2020 йилга бориб, ушбу кўрсаткич 4,1 маротаба ошиши кутилаяпти. Бунга қурилиш ишлари 2015 йилнинг охиригача якунланадиган Устюрт газ-кимё мажмуининг фойдаланишга топширилиши орқали эришилади. Лойиҳавий қуввати 387 минг тонна полиэтилен ва 83 минг тонна полипропиленни қайта ишлашга мўлжалланган мазкур мажмуа юртимизда ишга туширилаётган иккинчи йирик объектдир.

— Мамлакатингизда кимё саноати жадал ривожланаётганини инобатга олган ҳолда, полиэтилен асосида маҳсулотлар тайёрлашда қўлланиладиган кўплаб технологик линияларни таклиф этаяпмиз, — дейди Хитойнинг “Zhuxin” компанияси вакили Дай Цхи Пен. — Уларнинг ихчамлиги, иш унумдорлиги юқорилиги, энг асосийси, иккиламчи хом ашёни ҳам қайта ишлаши кўпчиликка маъқул тушмоқда.

Саноат соҳаси вакиллари орзиқиб кутадиган бу йилги ҳафталик Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, “Ўзавтойўл” ҳамда “Ўзкимёсаноат” компаниялари, “Ўзмахсусимпекс” давлат корхонаси, Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси кўмагида “ITE Uzbekistan” халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, кўргазмалар дастури ранг-баранглиги билан ҳам алоҳида ажралиб турибди. Сабаби, уларнинг доирасида бизнес учрашувлар, тақдимотлар, давра суҳбатларини ташкил этиш кўзда тутилган. Хусусан, лойиҳанинг биринчи кунида кўплаб компания ва ташкилотларнинг тақдимотлари бўлиб ўтди.

Ҳафталик доирасида бугун яна бир йирик форум, яъни “Ўзбекистон Республикаси қаттиқ фойдали қазилма бойликларининг инвестициявий салоҳияти — Ўзгеоинвест — 2015” мавзуида еттинчи халқаро конференция ҳам ўтказилади.

Мухтасар айтганда, уч кун давом этадиган “Марказий Осиё саноат ҳафталиги — Central Asian Industrial Week — 2015” халқаро форуми саноатимиз ютуқларининг чинакам намойиш майдонига айланди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётимизга инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритиш, замонавий техника ва технологияларни жалб этишда кенг имкониятлар эшигини очиб бериши муқаррардир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

---

Европа компаниялари:

# «Тошкентда бўлиб ўтадиган сармоявий форумда фаол иштирок этиш ва Ўзбекистон бозорига кириш ниятидамиз»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатингиз ҳукумати турли соҳаларда, жумладан, кукунли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тадбиркор ва сармоядорларга катта имкониятлар яратиб бераётир.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун хорижий ва ички сармояларни иқтисодиётга доимий равишда жалб этиш лозим, деб ҳисоблайман. Мазкур йўналишда Ўзбекистонда соғлом сармоявий муҳит ташкил қилинган ҳамда сиёсий барқарорлик таъминлангани туфайли ялпи ички маҳсулот ҳажми изчил равишда ўсиб бораяпти. Янги алоқаларни йўлга қўйиш ва мамлакатингиз бозорига кириш мақсадида Тошкентда бўлиб ўтадиган сармоявий форумда фаол иштирок этиш ниятидамиз.

**Рене ОТТЕВАНГЕР, “Inteqnion” компанияси бошқарувчи директори:**

— Компаниямиз донли маҳсулотларни қайта ишлаш ускуналари ва эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ўзбекистоннинг турли соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритаётган муваффақиятларидан яхши хабардормиз. Хусусан, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ташқи бозорда сотиш имконини берувчи замонавий технологияларни мазкур соҳага жорий этиш бўйича республикангизда амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътирофга сазовор.

Эътиборли жиҳати, мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишда ижобий тажрибага эгамиз. Бир неча йил аввал паррандачилик фермасини ташкил қилиш бўйича қўшма лойиҳани амалга оширишда қатнашганмиз. Ўзбек бозори биз учун қизиқарли ва истиқболли ҳисобланади. Маҳаллий компаниялар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида бўлажак сармоявий форумда иштирок этиш учун тараддуд кўраяпмиз.

**Вилфред ШЕРООХОРН, “NNZ” компанияси бош менежери:**

— Ўзбекистондаги мавжуд иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳият, мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик европалик ишбилармон доира вакиллари учун республикангизнинг сармоявий жозибадорлигини белгилаб беради. Минглаб мутахассислар фаолият юритаётган амалдаги корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда замонавий технологиялар билан жиҳозланган янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш сингари йўналишларда юртингизда эришилган тараққиёт алоҳида қизиқиш уйғотади.

Бўлиб ўтажак форумда 200 дан зиёд салоҳиятли хорижий сармоядорларнинг иштирок этиши чет эл компанияларининг Ўзбекистон билан шериклик алоқаларини ўрнатиш ҳамда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Мазкур форум республика иқтисодий тараққиёти учун янги имкониятлар эшигини очиб беришига аминман.

**«Жаҳон» АА.**
Роттердам

---

■ АНЖУМАН

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон экологик ҳаракати, БМТ Тараққиёт Дастурининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида янги “Экобоғ” барпо этишга бағишланган акция ташкил қилинди.*

# «Экобоғ» — мусаффо ҳаво, яшил муҳит

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари, Экоҳаракат фаоллари ҳамда “Ёшлар қаноти” вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 70 йиллиги доирасида уюштирилган мазкур экологик акцияда 400 тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари экилиб, сўлим ва дилкушо “Экобоғ”га асос солинди.

Таъкидландики, Экоҳаракат ва БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасидаги алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, ушбу ваколатхона анъанавий тарзда ташкил этилаётган “Республика экожурналистика танлови” нуфузини янада оширишга ўз ҳиссасини қўшиш баробарида, 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда, қолаверса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни барқарорлаштириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, биохилма-хилликни асраш масалаларига бағишланган турли анжуманларда ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

Маълумки, бугунги кунда Тошкент дунёдаги ҳавоси энг тоза ва яшаш учун қулай шаҳарлардан бирига айланмоқда. Бу ердаги яшил майдонларнинг аҳоли жон бошига 63 кв.метрдан тўғри келаётгани ана шундан далолат беради. Ўз навбатида, Экоҳаракат томонидан ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига жамоатчиликни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Сўнгги етти йил мобайнида унинг ташаббуси билан ушбу йўналишда ташкил этилган 6 мингдан зиёд тадбирларда 2,5 млн.дан ортиқ киши қатнашгани, республикамиз бўйича 120 гектарлик 25 та “Экобоғ” барпо этилгани фикримизнинг тасдиғидир.

Экологик ҳолатни бир меъёрда сақлашда ўсимликларнинг ўрни беқиёс, албатта. Чунки улар борлиқни чанг ва газ сингари унсурлардан тозалаб, унинг ўрнини кислород билан тўлдириб турувчи ўзига хос лаборатория вазифасини ўтайди. Бу эса соғлом ва фаровон турмуш гаровидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, соғлиғини сақлаш, ёш авлодга қулай ижтимоий, иқтисодий ва мусаффо муҳит яратишдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва БМТ ТД ҳамкорлигида бунёд этилган мазкур “Экобоғ” ҳам ана шундай эзгу ниятларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# Тежамкор иситиш қурилмалари

*Навоий шаҳридаги “Heating Radiators” масъулияти чекланган жамиятида уй ҳамда ташкилотлар учун алюминий иситиш радиаторлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

■ ИЗЛАНИШ

Яқинда корхонага 236 минг АҚШ долларилик сармоя эвазига юқори босим остида эритиб қуйиш дастгоҳи келтирилиб, ўрнатилди. Пировардида бу ерда уч турдаги янги маҳсулот тайёрлаш имконияти пайдо бўлди. Қўшимча 10 га яқин иш ўрни яратилди.

— Техник ва технологик янгиланишлар туфайли меҳнат сарфи камайиши баробарида, маҳсулотларимиз сифати ҳам яхшиланди, — дейди масъулияти чекланган жамият директори Зоҳид Файзиев. — Қолаверса, ички бозордаги талабни инобатга олиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам оширишга эришдик. Айни пайтда замонавий дизайнда тайёрланаётган иситиш қурилмалари харидорлар эътиборини тортмоқда.

Навоий вилоятида фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватланаяпти. Биргина жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида молия муассасалари томонидан ҳудуддаги кичик бизнес субъектларига 406,8 миллиард сўмлик кредит ажратилгани бунинг амалий тасдиғидир.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ИНСТИТУТИ

## ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, бугун дунё аҳолисининг олтидан бир қисмини ногиронлар ташкил этмоқда. Мутахассислар илм-фан, техника, тиббиёт шитоб билан ривожланаётганига қарамай, Ер юзида имконияти чекланган шахслар сонининг ортиб боришини сурункали касалликлар, табиий ва техноген характердаги офатлар кўпайиши ва шу каби қатор омиллар билан боғламоқдалар.*

■ ҚОНУН ВА ИЖРО

Мазкур эҳтиёжманд қатламни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ногиронларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилларини кўзлаган давлат ҳамда жамият олдидаги долзарб вазифа ҳисобланади. Юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ изчиллик билан олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат замирида ҳам, аввало, ана шу тамойиллар устуворлигини таъминлаш, ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмай, ўз турмушидан рози бўлиб яшашини кафолатлаш мақсади мужассамдир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши барча соҳада, хусусан, ногиронлар ижтимоий муҳофазасининг самарадорлигини оширишда давлат органларининг фуқаролик институтлари билан ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий интеграциялашувини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар қамрови тобора кенгаймоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бошқарма бошлиғи Баҳодир Шарапов. — Жумладан, ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий хизмат тизимини ривожлантириш, мақсадли даволаш ва соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий реабилитация чораларини ҳамда геронтология ёрдамини кучайтириш, ногиронларнинг уй-жойлари ва маиший шароитларини яхшилаш, шунинг баробарида, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, имконияти чекланган шахсларни ўз лаёқатига кўра ишга жойлаштириш жараёнида ижтимоий шериклик институти ҳал қилувчи аҳамият касб этаяпти.

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришда ҳам фуқаролик институтлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни шу йўналишдаги норматив ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари жалб этилмоқда. Тегишли қонун ва норматив ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси фуқаролик институтлари вакиллари иштирокида ўтказилаётир. Шу билан бирга, мазкур лойиҳалар вазирлигимиз веб-сайтига жойлаштирилиб, кенг жамоатчиликнинг таклиф-мулоҳазалари ўрганилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, қонун ҳужжатларининг ижроси нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда мониторинг қилиниб, жамоатчилик назорати йўли билан амалий-услубий ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилаётир. Хусусан, уруш ва меҳнат фахрийларини санаторийларда соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича мониторинг ўтказаётган ишчи гуруҳга вазирлигимиз мутахассисларидан ташқари, республика Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда “Нуроний” жамғармаси вакиллари ҳам бириктирилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги имконияти чекланганларни моддий қўллаб-қувватлаш, санаторийларда соғломлаштириш, реабилитация техник воситалари билан таъминлаш, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган хайрли ишларни республика Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Қизил яримой жамияти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди сингари ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида рўёбга чиқармоқда. Умуман олганда, бугунги кунда вазирлик томонидан мазкур соҳада 300 га яқин нодавлат тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундан ташқари, БМТ Тараққиёт дастури, Япониянинг JICA ташкилоти, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан турли ижтимоий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Баҳодир Шараповнинг айтишича, юртимизда ҳар йили ўртача 5,5 минг нафардан зиёд ногирон ишга жойлаштирилмоқда ва ушбу тоифадаги шахслар учун 18 мингга яқин иш ўринлари захира қилиб қўйилаяпти. Ногиронлар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизларнинг ҳам бандлиги таъминланиб, касбий билим ва кўникмаларини ривожлантириши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётир. Шунингдек, ҳозирги пайтда Саховат ва Мурувват уйларида 7,3 минг нафардан зиёд ногиронларга тиббий-ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатилаётган бўлса, ногиронлар учун реабилитация марказларида бир йилда 17,5 мингдан зиёд имконияти чекланган шахсларга ижтимоий-тиббий, коррекцион-ривожлантирувчи кўмак берилмоқда. Қолаверса, вазирлик тизимидаги сиҳатгоҳларда йил давомида 34 минг нафардан ортиқ имконияти чекланган шахслар соғломлаштирилаётир. Ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини кучайтиришда прокат пунктлари, ижтимоий такси сингари янги технологиялар қўлланилаётгани ҳам эътиборлидир. Чунончи, прокат пунктлари муҳтож фуқароларга реабилитация техник воситаларидан қулай шаклда фойдаланиш имконини бераяпти.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда имконияти чекланган шахсларнинг муносиб шароитда яшаши, таълим олиши ва меҳнат қилиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқлари аниқ манзилли ҳамда самарали дастурлар асосида кафолатланаётир. Давлат ва нодавлат ташкилотларининг бу эзгу мақсад йўлидаги якдиллиги эса, ўз навбатида, жамиятда ижтимоий мувозанатни сақлаб, меҳр-мурувват, оқибат ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитининг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Бугунги кунда республикамиз молия-банк тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси амалда яққол намоён бўлмоқда. Бу давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро миқёсда “ўзбек модели” сифатида эътироф этилган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри ҳамда ҳаётий эканининг тасдиғидир, албатта.*

*Дарҳақиқат, соҳадаги ўзгаришлар нафақат аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашга, балки тизимнинг халқаро доирадаги нуфузини оширишга ҳам хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Зеро, бугунги кунда Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати, барча молия муассасалари фаолияти “Moody’s Investors Service”, “Fitch Ratings” каби жаҳоннинг етакчи рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳоланаётгани бежиз эмас. Хорижий эксперт ва юртимизда фаолият юритаётган маҳаллий ишбилармон доиралари вакилларининг қуйидаги дил сўзлари ана шундан далолат беради.*



## Ўзбекистон банк тизими:

# ЗАМОНАВИЙ, БАРҚАРОР ВА КАФОЛАТЛИ

**Лев ДОРФ,**
**“Moody’s Investors Service” халқаро рейтинг агентлигининг бош таҳлилчиси,**

**Роман КОРНЕВ,**
**Мария КУРАЕВА,**
**“Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлигининг бош таҳлилчилари:**

— **М**амлакатингизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қарор топтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли молия-банк тизими ҳар томонлама ўзини оқламоқда. Ушбу тизим, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда ҳал қилувчи кучга айланаяпти. Бунда, табиийки, Президент Ислом Каримовнинг оқилона юритаётган сиёсати, соҳа истиқболига қаратаётган эътибори, қонунчилик базасининг мустаҳкамланганлиги, шунингдек, тижорат банкларининг молиявий кўмаги муҳим омил бўлаётир.

Агентлигимиз юртингиз банклари фаолиятини, мана, бир неча йилдирки, барча йўналишлар бўйича чуқур таҳлил қилиб, халқаро миқёсда белгиланган меъёрларга кўра, ўз рейтинг баҳосини бериб келмоқда. Бу жараёнда, аввало, банкларнинг тўловга лаёқатлилиги, капитали мустаҳкамланиб, активлари ошиб бораётганлиги, омонатчиларнинг пул маблағлари бут сақланаётганлиги, кредит портфелининг соғломлиги, кредит, фоиз ҳамда кадрлар сиёсати тўғри ишлаб чиқилганлиги, мижозларга халқаро стандартлар даражасида замонавий хизматлар кўрсатаётганлиги каби омилларга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Қувонарлиси, таҳлил асносида тизимнинг кафолатланганлигига, банкларнинг халқаро стандартларга мос равишда фаолият юритаётганига яққол гувоҳ бўлмоқдамиз. Шунинг учун халқаро ташкилотлар уларнинг молиявий барқарорлигини, маҳаллий валютадаги депозитларнинг узоқ ва қисқа муддатли, хорижий валютадаги депозитларнинг узоқ ва қисқа муддатли рейтингларини юқори баҳога муносиб кўраяпти. Бу — республикангиз банклари чет эл инвестицияларини жалб этиш ва жамлаш, хорижий савдо амалиётлари бўйича хизмат кўрсатишда пешқадамлик қилмоқда, деганидир.

Яна бир эътиборли жиҳати, Ўзбекистон банк тизими улкан ресурс базасига эга бўлиб, бу борада тақчилликка йўл қўйилмаган. Мижозларга замонавий интерактив хизматлар кўрсатиш ва уларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, бизнеснинг корпоратив, чакана ҳамда инвестициявий йўналишларини кенгайтириш банкларнинг устувор вазифаларига айланаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқ.

Маълумки, банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган, тенг манфаатли муносабатлар депозит сиёсати муваффақиятининг гарови ҳисобланади. Чунки омонатчилар ўз маблағларини жойлаштириш бўйича қарор қабул қилишда, биринчи навбатда, банкнинг ишончлилиги, устама фоизининг даражаси, муассасанинг мижозларга хизмат кўрсатиш сифати билан боғлиқ омилларни назарда тутади. Бу борада Ўзбекистон банк тизими кенг қамровли ишлар олиб бораётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Банк тизими раҳбарияти ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, молия муассасаларининг даромадлари ўсишига салоҳият бахш этувчи ҳамда кўпроқ истиқболли саналган маҳсулотлар ва сегментларда “ўсиш нуқталари”ни аниқ белгилагани ўз самарасини бермоқда. Натижада хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш, барча мижозларнинг талабини қондириш, юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган маблағларни омонатчилар, мижозлар ҳамда иштирокчилар манфаатларини кўзлаб жойлаштиришга муваффақ бўлаяпти.

Бундан ташқари, кадрлар сиёсати тўғри шакллантирилганлиги туфайли тизимнинг молиявий хизматлар бозоридаги салоҳияти тобора юксалиб бораётгани ҳам бевосита таҳлил жараёнида маълум бўлди.

Қолаверса, соҳада таваккалчиликларни бошқариш ҳам Ўзбекистон банкларининг ривожланиш стратегиясидаги муҳим жиҳатлардан биридир. Шу маънода, хатарларни аниқлаш, уларни таҳлил этишда бошқарув тизимининг юқори даражада йўлга қўйилганини алоҳида қайд этиш лозим. Шунингдек, банкларнинг таваккалчиликлар билан боғлиқ барча операцияларини белгиланган меъёр ва чекловлар доирасида амалга ошириш, улар устидан қатъий назорат ўрнатиш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилаётгани ҳам диққатга сазовор. Бу борада Марказий банк талаблари ва Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг (Базель III) тавсиялари асосида самарали ва ишончли тизим шакллантирилгани қўл келаяпти, албатта.

Банклар томонидан босқичма-босқич дастурий таъминот ва ахборотни муҳофаза қилиш тизимларини бирхиллаштириш орқали ишончлиликка эришиш учун ягона ахборот макони яратилгани ҳам ўз самарасини бераётир. Бу ҳудудларда мунтазам равишда, узлуксиз хизмат кўрсатишни таъминлаш билан бирга, мижозлар ишончини қозонишга олиб келмоқда. Гап шундаки, улар ўз уйи ёки офисидан чиқмасдан туриб, “Интернет банкинг”, “Мобиль телефон”, “Call марказ” сингари замонавий хизматлар ёрдамида банк амалиётларини бажариш имкониятига эга бўлишаяпти. Пировардида мижозлар сони кўпайгандан кўпаймоқда.

Молия муассасаларида омонатлар шартларини мақбуллаштириш, янги депозит маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, хизмат сифатини ошириш бўйича ҳам, айтиш мумкинки, аниқ мақсадли ишлар рўёбга чиқарилаяпти.

Тизимдаги энг муҳим кўрсаткичлардан яна бири банк хизматларининг оммавийлик даражаси ошиб бораётганидир. Мисол учун, 2014 йилда ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 49,7 тани, ҳар мингта катта ёшли аҳолига тўғри келадиган банк ҳисобварақлари сони 1028 бирликни ташкил этди. Бунинг самараси ўларок, аҳолига тўғри келадиган банк инфратузилмалари сони бўйича Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари орасида пешқадам бўлиб турибди.

Барчага аёнки, жаҳон молия бозорида ҳали-ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатларнинг молия-банк тизимига салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу эса унинг катта миқдорда зарар кўришига ёки олаётган фойдасининг бир неча баробар камайиб кетишига, охир-оқибатда капиталлашув даражаси кескин пасайишига сабаб бўлаяпти. Инқироз, айниқса, ташқи қарзларга таяниб қолган давлатларнинг молиявий хизматлар бозорида кўплаб муаммоларни юзага келтирмоқда.

Кўпгина иқтисодчилар бунинг сабаби сифатида молия бозорларининг самарали назорат қилинмаганлигини, уни ривожлантириш ҳамда назорат этиш тизимининг узвийлиги таъминланмаганлигини, миллий молия институтлари мақбул тарзда назорат тизимини вужудга келтирмасдан туриб, жаҳон молия бозорига кирганлигини таъкидлашмоқда.

Бу табиий ҳол. Чунки ушбу иқтисодий инқирознинг келиб чиқишига асосий сабаб ҳам, биринчи галда, кадрлар масаласига бориб тақалади. Яъни ҳар бир кадр ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлмаса, ўзи бошқараётган ташкилотни касодга учратади.

Шундан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, замонавий кадр ҳар томонлама етук, мураккаб вазиятлардан чиқа оладиган, хориж тажрибасини пухта эгаллаган, бошқаларга ибрат кўрсатадиган, масалани оқилона, керак бўлса, етти ўлчаб, бир кесган ҳолда, ташкилоти учун ҳақиқий жон куйдирадиган фидойи инсон бўлиши керак. Ваҳолонки, турли давлатлар банк тизими фаолиятини мунтазам равишда ўрганиш жараёнида шу нарса аён бўлаяптики, кадрларнинг масъулиятсизлиги туфайли мушкул вазиятлар юз бермоқда. Оқибатда банк кредит портфелининг деярли ярмидан кўпроғи муаммоли кредитларга айланиб қолаяпти. Бундай шароитда тизим ривожи, банкларнинг аҳоли, омонатчилар ишониб топширган маблағларини қайтариши каби масалалар жумбоққа айланиши, шубҳасиздир.

Таъкидлаш керакки, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлиб ўтган иқтисодий тангликларга қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантириш сиёсати тўғри ва ҳаётий эканлиги яна бир марта ўз исботини топди.

Шуни назарда тутиб, юртингиз Марказий банки томонидан олиб борилаётган тизимли фаолиятни юқори баҳолаймиз ва ўз назорат функцияси ҳамда бошқа вазифаларини тўлақонли бажараётганлигини эътироф этамиз.

Яқинда АҚШда нашр этилиб, дунёнинг 180 мамлакатига тарқатиладиган “Global Finance” журнали томонидан берилган рейтинг баҳосига кўра, дунё Марказий банклари орасида Ўзбекистон Марказий банки яна бир поғона юқорига кўтарилгани ҳам фикримизнинг тасдиғи бўла олади.

Эътиборлиси, Ўзбекистон банклари фаолияти халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Бу, энг аввало, мижозлар ишончини оқлашга қаратилгани билан ғоятда аҳамиятлидир. Шу мақсадда тизимда пухта ўйланган кредит сиёсати юритилиб, кредит олиш тартиб-таомиллари соддалаштирилиши баробарида, йиллик фоиз ставкалари мақбуллаштирилаётгани юртингиз тадбиркорларининг бизнес фаолиятлари йилдан-йилга ривожланишини таъминламоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ички манбалар ҳисобидан ажратилган кредитларнинг улуши охирги 5 йил давомида 4,2 баробарга ошган. Ҳозирги кунда уларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши 86 фоизни ташкил этаяпти. Мамлакатингиз тижорат банкларининг жами активлари ва кредит портфелининг бундай юқори суръатларда ўсишига, асосан, ички захиралар ҳамда манбаларни янада кенгроқ жалб қилиш ҳисобидан эришилмоқда.

Ушбу натижалар банк омонатчилари ва чет эл инвесторларининг мамлакатингиз банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, халқаро молия бозоридаги нуфузи бундан-да ортишига асос бўлиб хизмат қилади, албатта.

**М**ухтасар айтганда, юртингиз банк тизими раҳбарияти томонидан Ўзбекистон қонунчилиги, давлатингиз раҳбарининг тегишли кўрсатмалари, соҳага оид қабул қилинган Фармон ва қарорлари ижросини ўз вақтида пухта бажарилиши юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури ҳамда тизимни янада ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, тизимнинг барқарор фаолият юритишига олиб келмоқда. Шу маънода, республикангиз банк тизимига берилаётган ижобий баҳоларни ҳар томонлама ҳаққоний ва муносиб, деб ҳисоблаймиз.


Qishloq Qurilish Bank
MOODY’S INVESTORS SERVICE
халқаро рейтинг агентлиги
2015 йилнинг май ойида банк рейтингини қуйидагича тасдиқлади:
- контрагент рискини баҳолаш — B1/NP
- узоқ муддатли миллий ва хорижий валютадаги банк депозитлари рейтинги — B2/NP
барча рейтинглар прогнози:
«БАРҚАРОР»
Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 150-39-93, 150-93-39.
www.qqb.uz
«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!
Хизматлар лицензияланган.

ASAKA BANK
2015 йил 27 июлда
Fitch Ratings
халқаро рейтинг агентлиги
«АСАКА» акциядорлик тижорат банкининг
халқаро кредит рейтинг истиқболини
«БАРҚАРОР» деб тасдиқлади.
Хизматлар лицензияланган.

## ЭЪТИРОФ

**Дипак РЭЙНА,**
**инвестор** (Сингапур):

*— Чиндан ҳам, Ўзбекистон банк тизимидаги барқарорлик ва кафолатли хизмат хорижий инвесторларнинг муваффақиятларга эришишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, биз бир неча йилдан буён шу ерда фаолият юритаётган бўлсак, бундай имкониятлардан самарали фойдаланиб келаяпмиз. Яъни қўшма корхонамиз ривожида банк раҳбарияти томонидан яратилаётган шарт-шароитлар айни муддао бўлаяпти. Айтайлик, тўлов амалиётлари бажарилишида ҳеч қандай муаммо йўқ. Барча банк операцияларини офисимизда туриб, “Банк-мижоз” дастури орқали бажармоқдамиз. Бу эса вақт ва харажатларни сезиларли даражада қисқартираяпти.*

*Бундан ташқари, банк билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилгани туфайли бир неча маротаба кредит олиб, фаолиятимизни кенгайтиришга эришдик. Буларнинг бари бизни янги-янги ютуқлар сари ундамоқда.*

*Қисқаси, юртингизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани хорижий инвесторларнинг самарали ишлаши, дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашига таг-заминли пойдевор бўлаяпти.*

*Шунинг учун Ўзбекистон банк тизимига инвесторларнинг ишончи ошиб бормоқда.*

**Ким Ёнг ВУК,**
**“Ўз-Шиндонг-Силикон” қўшма корхонаси раҳбари** (Корея Республикаси):

*— Юртингизнинг улкан иқтисодий салоҳияти бу ерда чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилаётган йирик инфратузилмавий лойиҳалар рўёбида ҳам ўз аксини топмоқда. Айниқса, банкларингизда ишбилармон ва тадбиркорлар учун барча шарт-шароит мавжудлигини алоҳида қайд этиш жоиз.*

*Кўп давлатларда бўлганлигим туфайли шуни ҳам айтмоқчиманки, Ўзбекистон банклари ҳеч бир хориж банкларидан асло қолишмайди. Энг муҳими, уларнинг иши тўғри йўлга қўйилганлиги тадбиркорларнинг эзгу мақсадларига эришишида муҳим омил бўлмоқда. Бунга мамлакатингизда фаолият юритаётган тадбиркор сифатида ўзим гувоҳман.*

*Қолаверса, банк ходимларининг муомаласи яхши. Молия муассасаларида эса етарлича шарт-шароит яратилганидан ташқари, кредит олиш тартиб-қоидалари ҳам жуда соддалаштирилган.*

*Қўшма корхонамиз ҳисоб рақами “Ипотека-банк”да очилган бўлиб, бу ерда юқорида айтилган қулайликларнинг барчаси мавжуд. Шу боис электроника соҳасида кенг фойдаланиладиган техник кремний ишлаб чиқаришга доир лойиҳамизни амалга ошириш учун ушбу молия муассасасидан 6,6 млрд. сўм миқдорида кредит олдик.*

*Айни пайтда маҳсулотимизни тўлиқ экспортга чиқараяпмиз. Ишлаб чиқариш жараёнида эса фақат маҳаллий хом ашёдан фойдаланмоқдамиз. Буларни айтишимдан мақсад шуки, Ўзбекистондек ишбилармонлар юртида бизнес қилаётганимиздан хурсандмиз.*

*Ўзбекистон банк тизимидаги иқтисодий ислоҳотларни бошқа давлатлар банкларига ўрнак сифатида кўрсатсак арзийди.*

**Носиржон АТАБАЕВ,**
**“Инвесттекс” қўшма корхонаси директори** (Андижон вилояти):

*— Дарҳақиқат, республикамизда тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Корхонамиздан қиёс: у 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда харидорларга тикувчилик ва тўқувчилик маҳсулотларини етказиб бераяпмиз. 115 нафар ишчи-хизматчидан иборат жамоамиз томонидан тайёрланаётган бу маҳсулотларнинг 70 фоизи эса экспортга йўналтирилмоқда.*

*Бундай натижаларни қўлга киритишимизда, шубҳасиз, юртимизда экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилаётгани, шунингдек, хом ашё, ускуна ва қурилиш материаллари сотиб олишимиз учун бизга “Қишлоқ қурилиш банк”дан 750 млн. сўм миқдорида кредит ажратилгани шундай ижобий ютуққа эришишимизда таянч ва мадад бўлди.*

*Банкларнинг кўмаги билан мулкдор бўлганимдан хурсанд бўлсак, бундан буён ҳам уларнинг хизматларидан кўнглимиз тўқ.*

**Фарҳод РАҲМАТОВ,**
**“Гулобод мебель” МЧЖ раҳбари**
(Самарқанд вилояти):

*— Корхонамиз маҳаллий хом ашёдан турли хил мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Фаолиятимизни кенгайтириш, ички ва ташқи бозорни арзон ҳамда сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, экспорт салоҳиятимизни ошириш, аҳолини, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида бизнес-режамизни “Асака” банкининг “Афросиёб” филиалига тақдим этган эдик. Унинг ходимлари қисқа муддатда имтиёзли шартларда зарур миқдордаги кредитни ажратишгач, шунинг ҳисобидан замонавий ишлаб чиқариш мажмуасини бунёд қилдик. Қўшимча равишда 19 кишини иш билан таъминладик. Натижада ўша йилнинг ўзида 4 млрд. сўмликдан ортиқ уй ва офислар учун юқори сифатли 25 турдаги мебель маҳсулотларини тайёрлаб, истеъмолчиларга сотдик.*

*Ишончимиз комилки, келгусида ҳам “Асака” банкининг амалий ёрдамида истиқболли лойиҳаларимизни рўёбга чиқараверамиз.*



Кўриниб турибдики, бугунги кунда Ўзбекистонимизда Марказий банк етакчилигида тижорат банклари ишбилармонларнинг ҳақиқий таянчига айланган. Улар томонидан кўрсатилаётган хизмат ва ажратилаётган маблағлар юртдошларимизнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш баробарида, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимиз тараққиётини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир. Бу эса “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойилининг амалда тўла ўз тасдиғини топаётгани ифодасидир.

**Марказий банк материаллари асосида**
**«Халқ сўзи» мухбирлари**
**И. ЎТБОСАРОВ ва Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# ОНА ТИЛИМИЗ КАМОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мустабид тузум ҳукмронлигидаги яқин ўтмишимизда минг йиллик маданият ва маърифат соҳиби бўлган халқимизни истаган мақомига йўрғалатмоқ илинжидаги ғирром сиёсат миллатнинг тафаккур ва тахайюл интизомининг асосини ташкил этадиган бебаҳо мулки — тилини асоратда тутиш пайидан бўлганлиги маълум. Табиийки, тил асорати инсон маънавий оламининг маҳдудлигига, тафаккур интизомининг мўртлигига, тахайюл парвозининг тубанлигига йўл очади. Шубҳасизки, маҳдуд маънавиятли, мўрт тафаккурли ва тубан тахайюлли одамни етовга олиш, истаганча бошқариш осон бўлади, бундай одамни қаёққа етакласа, ўша ёққа бош эгиб кетаверади. Тили бор кишилар руҳан, маънан бир халқ ўлароқ бирлашади. Тили бор одам боласи бани башар силсиласида кўз очиб, дунёни кўрибдики, неча минг йиллардир, ўзлигини таниб, озодлик истаб яшайди... Тилсиз, демакки, тафаккурсиз махлуқнинггина истиқлолга эҳтиёжи йўқ. Буни мустабид сиёсатчилар жуда яхши билганлар. Шунинг учун ҳам бу юртда истиқомат қилган халқ тилининг, ўзбек тилининг эркин қўлланиш имкониятларини чеклаб-чегаралаб қўйишга ҳаракат қилганлар. Ўша даврдаги қатъий қолип ва антиқа ақидаларга кўра, айниқса, расмий машварат-издиҳом, расмий арзи ҳол, ҳарбий мулоқот ва бошқа соҳаларда, умуман, ҳокимият ва халқ муносабатида ўзбек тилининг эркин қўлланишига изн берилмаган. Тилимизнинг бундай камситилиши халқ ҳамиятига бениҳоя қаттиқ теккан, унга адоқсиз азоб берган.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб, ўзбек тилининг поймол қилинган қонуний ҳуқуқларини тиклашдай улуғ мақсад билан ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ҳақидаги масала кун тартибига қўйилди. 1988 йилда давлат тили ҳақидаги қонун лойиҳасини тузиш бўйича тилшунослар, ҳуқуқшунослар, ёзувчилар ва бошқа тегишли мутахассислардан иборат тузилган комиссия ишида мен ҳам иштирок этганман.

Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарияти топшириғи ва қатъий талабига кўра, "Тиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳозирланиб, матбуотда эълон қилинганди. Аммо бу лойиҳа кенг жамоатчиликнинг ҳақли ва жиддий эътирозига сабаб бўлди. Чунки мазкур лойиҳа республикада ўзбек ва рус тилларига давлат тили мақомини беришни қоидалаштирган эди.

> Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистондаги қонун лойиҳасидаги икки тиллилик ғоясига Юртбошимиз барҳам берди. 1989 йилнинг 23 июнида Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида Ислом Каримов иш бошлади. Ўша пайтдаги вазият қанчалик мураккаб, қалтис, нечоғлиқ таҳликали бўлмасин, нафақат марказ, балки ўзимиздаги икки тиллиликнинг тарафдорлари қанчалик бўлар-бўлмас шовқин-сурон қилишмасин, Ислом Каримовнинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан янги қонун лойиҳаси тайёрланди, унда икки тиллилик ғояси бартараф этилди. Фақат ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш қоидалаштирилди, шунинг учун қонун лойиҳаси ҳам тўғридан-тўғри "Давлат тили ҳақида" деб номланди.

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистоннинг олий органи бу лойиҳани кўриб чиқди ва қабул қилди. Ушбу сана мамлакатимизда тил байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Давлат тили ҳақидаги қонун мустақилликдан олдин, ҳали мустабид империя сиёсати ҳукмрон пайтда қабул қилинган. Унда анчамунча таҳрирталаб жиҳатлар бор эди. Шу боис кейинчалик давлат тили ҳақидаги қонуннинг янги таҳририга эҳтиёж сезилди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси 1995 йилнинг 21 декабрида 24 моддадан иборат янги таҳрирдаги "Давлат тили ҳақида"ги Қонунни (аввалгиси 30 моддадан иборат эди) қабул қилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари тил масаласининг бениҳоя нозик ва ҳассос бир жиҳат эканлигини теран англаган ҳолда, давлат тили ва мамлакатимиздаги бошқа тилларга муносабат қандай бўлиши кераклигини аниқ кўрсатиб берган. Шу тариқа шаклланган юртимиздаги яхлит тил сиёсати тўласинча одиллик ва холислик тамойилларига асосланганлиги жамиятимизнинг барча аъзолари томонидан эътироф этилмоқда.

Давлат тили масаласи мустақиллик тушунчасининг ўзак жиҳатларидан биридир. Шунинг учун ҳам Асосий Қонунимиздаги "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир" деган 4-модда "Давлат суверенитети" номли 1-боб таркибида берилган. Бу билан давлат тилининг давлат суверенитетига дахлдор масала эканлиги, давлат тилининг давлат суверенитети атрибутларидан бири ҳисобланиши ифодаланган.

Маълумки, Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ истиқомат қилиб келмоқда, улар Ватан равнақи учун меҳнат қилаяпти. Бу ҳолат ҳам Конституциямизда ҳисобга олинган. Мазкур модданинг иккинчи хатбошисида шундай деб ёзилган: "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади".

Жуда катта мамнуният билан айтиш керакки, Асосий Қонунимиздаги бу муҳим модда давлатимизнинг мунтазам эътибори ва фуқароларимизнинг иштиёқи билан тўла амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, "ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди". Мамлакатимизнинг турли миллатга мансуб фуқаролари ўзбек тилини давлатимизнинг муқаддас тимсоли сифатида ўрганмоқдалар, бу тилда гаплашмоқдалар, унга юксак эҳтиром кўрсатаяптилар. Бу тимсол барча фуқароларимизнинг бир юрт фуқаролари ўлароқ бирлашувига хизмат қилмоқда. Бу ҳолат, табиийки, ўзбек тили ривожининг жадаллашувига, бадиий-тасвирий имкониятларининг янада кенгайишига ҳам кўмак бераётир.

Айни пайтда республикамиздаги бошқа тиллар ва маданиятларнинг ривожланиши учун тегишли шароитлар давлат томонидан яратилган. Бу борада, айниқса, 1992 йилда ташкил этилган Республика байналмилал маданият марказининг кенг кўламли фаолияти диққатга сазовор. Бир қанча миллий-маданий марказларни ўзида бирлаштирган мазкур ташкилот мамлакатимиздаги турли миллат вакиллари қадриятларининг асраб-авайланиши ва ривожи йўлида жиддий амалий ишларни олиб бормоқда. Бу, албатта, Ўзбекистонда мустақиллик туфайли шаклланган холис ва одил сиёсатнинг мевасидир.



Шу билан бирга, ҳозирги кунда юртимизда бир неча тилларда вақтли матбуот нашр этилмоқда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар бериб борилаяпти. Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида етти тилда таълим бериш йўлга қўйилган, бу тилларда катта миқдорда дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилмоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили эканлиги бошқа миллат вакилларининг ўзаро мулоқотларида она тилларини қўллашларидан иборат конституциявий ҳуқуқларига асло монелик қилмайди.

"Давлат тили ҳақида"ги Қонунимиз ва Конституциямиз мамлакатимизда шаклланган одил сиёсатнинг асосини ташкил этади. Мазкур Қонуннинг деярли ҳар бир бандида айни холис тил сиёсати ўзининг аниқ тажассумини топган.

Масалан, 4-моддада шундай сўзлар муҳрлаб қўйилган:

> "Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади".
>
> Ёки 11-моддада қуйидагилар қайд этилган: "Судлов ишларини юритиш давлат тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Ишда иштирок этаётган, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон орқали ишга оид материаллар билан танишиш, суд жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади".
>
> Ёхуд 15-моддада "Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эга" эканликлари қоидалаштирилган.
>
> Қонуннинг 24-якунловчи моддаси эса қуйидагича ифодаланган: "Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади. Фуқароларнинг ўзаро муомала, тарбия ва таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар".

Ўзбек тили мустақил давлатимизнинг муқаддас тимсоли сифатида кўп миллатли халқимизнинг эҳтироми ва ардоғида камол топиб бормоқда. Қадимий ва навқирон тилимизнинг сўз бойлиги мисли кўрилмаган даражада кўпайиб, ифода имкониятлари бениҳоя кўлам касб этган ҳолда, таъсир ва тасвир инжаликлари зангинлашиб, бадиият бағридаги оҳанглари ранглашиб бораётганлиги барчамизнинг кўзимиз ўнгида, бу ривожу равнақ, албатта, ҳар биримизнинг кўнглимизни ифтихорга тўлдиради. Бу тилнинг моҳиятидаги теран қонуниятларни янада мукаммал илмий инкишоф этиш, суръатли тараққиёти жараёнларидаги асосий тамойилларни холис кўрсатиб бериш, қисқаси, ўзбек тилидек сеҳрли-синоатли олам тилсимини илмий ва илмий-оммабоп йўсинларда мунтазам очиб бориш, бу тил инъом этадиган турфа ҳузурлардан кенг оммани воқиф этиш эҳтиёжи тилшунослардан, адабиётшунослардан, адиблардан, журналистлардан бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ меҳнат ва масъулиятни талаб этади.

Бугун Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт моделини, ҳавасга ҳадаф натижали тажрибаларию ютуқларини дунё яхши билади. Жаҳон ўзбекни тилидан танийдиган бўлганлиги ҳам рост. Ўзбек тили дунёдаги йирик ва минг йиллик ёзма адабий анъаналарга эга тил, бу тилда яратилган дурдоналар жаҳон ақлий ва бадиий хазинасидан муқим жой олиб бўлган. Бу тилнинг мустақиллик давридаги тараққиёти ҳам дунёнинг назаридан четда қолаётгани йўқ. Ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш иштиёқи билан юртимизга қадам ранжида қилаётган мутахассислар кўп. ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида бугун америкалик ёш тадқиқотчи ўзбек тили ва адабиётини ўрганмоқда, илмий тадқиқот олиб бораяпти. Жанубий кореялик, япониялик ва бошқа хорижий юртлардан келган тадқиқотчилар ўтган йилларда ана шундай эзгу ниятлар билан институтда бўлдилар. Бу, албатта, ўзбек тилига бўлган халқаро эътибор ва қизиқишнинг бардавомлигини кўрсатади.

Шу ўринда яна бир муҳим масалани айтиб ўтмоқ керак. Аввало, ўз она тилига ҳурмати бор одамгина бошқа тилга ҳурмат кўзи билан қарай билади, уни сидқидилдан ўргана олади. Ўз она тилини унутиш эвазига ўрганиладиган тил чин одам боласига фойдадан кўра зарардир. Қолаверса, она тилисиз инсоннинг маънавий-руҳий илдизлари соғлом бўлмайди. Миллий-маънавий оламнинг устувор устуни, букилмас таянчи она тилидир. Она тилини тамоман унутиш шахснинг этномаданий, миллий-руҳий илдизлардан узилишига, инсон онги ва сажиясидаги миллий-маданий, миллий-маънавий қадриятларнинг қадрсизланишига олиб келади.

Бинобарин, бугун юртимизнинг турли миллатга мансуб фуқаролари ўз она тилларини мукаммал билиши баробарида, ўзбек тилини байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз, Конституциямиз каби Ўзбекистоннинг муқаддас тимсолларидан бирига тугал эҳтиром, шу юртга садоқатли фарзандликнинг самимий ифодаси сифатида билмоқдалар ва ўрганмоқдалар. Буни, шубҳасиз, мамлакатимизнинг барча маърифатли фуқаролари яхши англайдилар, шунинг учун ҳам ватандошларимизнинг аксарияти ўз она тили билан бирга, ўзбек тилида эмин-эркин мулоқотнинг уддасидан чиқаяпти, бу тилга давлатимиз тимсоли сифатида мунтазам эҳтиром кўрсатаётир. Буларнинг барчаси мустақил юртимизда ҳеч кимнинг, бирон-бир бошқа миллат вакилининг кўнглига иштибоҳ солмайдиган, ҳамиятига тегмайдиган, ҳар қандай демократик тамойилларга мос келадиган, бениҳоя холис ва оқилона тил сиёсати шаклланганлиги ҳамда унинг амалда эканлигининг тасдиғидир. Мамлакатимизда қарор топган ана шундай одил миллий сиёсат туфайли миллатлараро тотувлик, биродарлик ва дўстликнинг бардавом бўлиб келаётганлиги, юртнинг барча фуқаролари давлатимизнинг буюк келажагини яратишдек улуғвор мақсадлар йўлида бир оиладек ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётганликлари бор ҳақиқатдир.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори, филология фанлари доктори, профессор.**

# Билимдонлар беллашуви

*Фарғона политехника институтида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Мунозара" тўгараклари жамоаларининг республика турнири бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ташриф буюрган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларидан иборат 16 та жамоа ўзаро беллашди.*

## ТУРНИР

— Ушбу турнир ёшлар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилади, — дейди "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши масъул ходими А. Муртазоев. — Қолаверса, уларнинг турли масалаларга холисона ёндашиш ва фикрларини асослаш ҳамда аниқ баён қилиш малакаларини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жамоалар турли мавзуларда баҳс юритишди.

Якунда энг фаол жамоаларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, турнир иштирокчилари вилоятда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

— Фарғона шаҳрига биринчи келишим, — дейди сурхондарёлик Зиёбой Фаттоев. — Гўзал шаҳар экан. Ушбу турнирда қатнашиб, билимимизни бойитдик, янги дўстлар орттирдик, қисқаси, бир олам таассурот олдик.

**Набижон СОБИРОВ.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДАН 16 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 28 сентябрдаги 66-н-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиш ишларини ташкил этиш бўйича қоидалар»га (ЎзР АҚ-92) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1773-2 (2015 йил 19 октябрдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2015 йил 7 октябрдаги 5, 40, 88-сонли «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2717 (2015 йил 19 октябрдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 15 сентябрдаги 65-н-сонли «Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича авиация қоидаларини (ЎзР АҚ-123) тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2015 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2718 (2016 йил 19 январдан кучга киради).**

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2015 йил 25 сентябрдаги 21-мҳ, 84-сонли «Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1189-1 (2015 йил 19 октябрдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2015 йил 12 октябрдаги 6-2015, 24-мҳ, 42-қ/қ-сонли «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2719 (2015 йил 19 октябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2644, 2014 йил 30 декабрь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 13 октябрдаги 313-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2645, 2014 йил 30 декабрь).

**Адлия вазирининг 2015 йил 15 октябрдаги 316-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## КЎРГАЗМА

*Тошкент Фотосуратлар уйида Аслиддин Калоновнинг "Туйғулар дунёси" деб номланган ижодий ишлари кўргазмаси очилди.*

# «Туйғулар дунёси»

Ватан манзаралари, она-табиатнинг гўзал ва фусункорлиги ижод аҳли учун ҳамиша илҳом манбаи бўлиб келган. Кўргазмани томоша қиларкансиз, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Рассом ижодига хос бўлган китоб графикаси, мумтоз рангтасвир усулида яратилган асарлар ихлосмандини эътиборсиз қолдирмайди. Кўргазмадан ўрин олган "Бахт тумори", "Нурота чизмаси", "Умид шамоли", "Олтин куз манзаралари", "Боғдаги сўнгги олма" сингари ўнлаб асарларни Ватан, табиатга бағишлов, дейиш мумкин.

Кўргазма 23 октябрга қадар давом этади.

**Моҳира АДИЗОВА.**


**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатлари (ТИА, бизнес-режа)ни ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.:**
**(+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй,**
**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

05R/160


## ЭЪЛОНЛАР


**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 6 мартдаги 1-42/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ц-4 мавзеси, 11-«Б» уйда жойлашган, умумий майдони 144,19 кв.м. бўлган тўққиз қаватли бинонинг тўртинчи қаватидаги 33-хонадон (тураржой).

***Бошланғич баҳоси — 797 635 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Боткин кўчаси, 110/5-уйда жойлашган, умумий майдони 61,86 кв.м., тураржой майдони 44,94 кв.м. бўлган икки қаватли бинонинг иккинчи қаватидаги 3 хонадан иборат 7-хонадон (тураржой).

***Бошланғич баҳоси — 79 559 100 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Боткин кўчаси, 110/6-уйда жойлашган, умумий майдони 47,30 кв.м., тураржой майдони 31,52 кв.м. бўлган икки қаватли бинонинг иккинчи қаватидаги 2 хонадан иборат 8-хонадон (тураржой).

***Бошланғич баҳоси — 67 058 100 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2015 йил 5 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1568R/6

Хизматлар лицензияланган.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 377 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5